



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2018-yil 23-may, chorshanba

№ 22 (1084)

1996-yil dekabrda chiqarib boshlagan

Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz

www.hurriyat.uz

Парагвай стевияси: ШИРАСИ ТИЛНИ ЁРАДИ

Кизил лавлагидан уч юз баравар ширин бу ўсимликдан олинган препаратлар жаҳон тиббиётида ошқозон-ичак, камқонлик, ортиқча вазн каби кўплаб касалликларни даволашда самарали восита ҳисобланади.



ҲАҚИҚАТ ЭГИЛДИ, ЛЕКИН СИНМАДИ

Мен-ку, қонунни тушунаман. Тушунмайдиганлар додини кимга айтсин?! Майли, бу ҳам қисматимда бор экан. Вилоят прокуратураси томонидан ушбу жиноят иши қайта кўрилиб, судда бекор қилинди. Бизнинг устимиздан сохта ҳужжат тўплаганлар қонуний жазосини олиши керак!



МОЛ ҲАМ ЁНГА ҚОЛСИН, ЖОН ҲАМ ОМОН БЎЛСИН!

Мусибатхоналарда пайшанбалик ва якшанбалик номи билан қилинаётган эҳсон маросимлари ҳеч бир диний китобларда ёзилмаган ва айтилмаган.

Мусибат етган хонадонда муайян кунга боғламасдан бақадри ҳол оила иқтисодига зарар етказилмайдиган ҳолатда бирор марта эҳсон қилиб ўтказилса кифоя.



ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ: ЁРҚИН КЕЛАЖАК САРИ



► ШАРҲ

Сўнгги икки йилда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари фаоллашди. Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Дональд Трампнинг очилиқ, барча йўналишлардаги алоқаларни кучайтириш, аниқ-равшан мазмун билан тўлдиришни намоён этган сиёсий иродаси туфайли ўзаро ишончнинг юқори даражасига эришилди.

2017 йилда Ўзбекистон ва АҚШ раҳбарлари Ар-Риёд шаҳрида ўтган Араб — мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммити ҳамда сентябрь ойида Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида учрашган эдилар. Ўтган ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифи ва Вашингтонда бўлиб ўтган учрашувлари натижалари жаҳон оммавий ахборот воситалари томонидан кенг шарҳланмоқда. Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Оқ уйга илк тарихий ташрифи Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаб берди.



► ТУРИЗМ



“УЛЛИ ХОВЛИ” МАЖМУАСИ

Хоразм вилоятидаги қадим масканлардан бири — “Улли ҳовли” ёдгорлик мажмуаси Урганч туманида жойлашган. XVII асрга оид ушбу мажмуада қадимий ҳовлилар, турли осори-атиқалар, уларни ўраб турган кўрғон сақланиб қолган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мажмуада кенг қўламли таъмирлаш ва реставрация ишлари амалга оширилди. Бунда

бинонинг асл тарихий ҳолатини сақлаб қолишга ҳаракат қилинди. 20 уринли меҳмонхона қурилди. Туркман ўтовлари ўрнатилди. Сайёҳлик ва зиёрат туризми учун барча шароит яратилди.

Суратларда: Хоразм вилоятидаги “Улли ҳовли” ёдгорлик мажмуасида.



Оқил ҒУЛОМОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 15-17 май кунлари расмий ташриф билан АҚШда бўлди. Ташриф доирасида икки давлат вазирилик ва идоралари, компаниялари ҳамда ишбилармон доиралари ўртасида ҳамкорлик бўйича қатор ҳужжатлар имзоланди.

18 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади.

19 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори матбуотда эълон қилинди.

19-20 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Андижон вилоятида бўлди.


Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 май куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 май куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

► НУҚТАИ НАЗАР

Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ
УМУМЖАҲОН
ДЕКЛАРАЦИЯСИНING
70 ЙИЛЛИГИ —
ДАВЛАТИМИЗ ВА
ЖАМИЯТИМИЗ
ЭЪТИБОРИДА



Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси — мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг қўшилган дастлабки халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан биридир. Ушбу декларациянинг барча асосий тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган.

Бу йил мазкур халқаро-ҳуқуқий ҳужжатнинг 70 йиллиги бутун дунёда кенг нишонланади. Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 5 майда қабул қилинган фармони билан “Инсон ҳуқуқла-

ри умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури” тасдиқлангани муҳим аҳамиятга эга.

Дастурнинг мазмун-моҳияти ҳақида фикр юритишдан олдин истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида эришилган натижалар хусусида қисқача тўхталиш ўринлидир. Бинобарин, ўтган даврда юртимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари шаклланди. Бу йўналишлар:



КЕЙИНГИ СОНЛАРДА

Янги тизим
— ЯНГИЧА
МУНОСАБАТ

Ахборот бозори:
МОМОНГ
ҚИЗ
БЎЛДИ!

ТАҲАЙЮЛ ВА
ТАФАККУР
МАҲСУЛИ

ҚОҒОЗДА
ЭМАС,
АМАЛДА...

► МУНОСАБАТ

Ўзбекистон — нажот қалъаси “Мен меҳр-оқибат нималигини Тошкентда ўргандим”




Мамлакатимизда яқинда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни катта тантаналар билан нишонланганига гувоҳ бўлдик. Дарҳақиқат, уруш йилларида жанггоҳларда ва уруш ортида жонбозлик кўрсатган ота-боболаримиз жасоратини эслаш ва улар хотирасини эъзозлаш доимо биз учун қарз ва фарздир. Зеро, тинчлик-осойишталик, эл омонлиги ва фаровон-

лигидан буюкроқ неъмат йўқлиги ҳеч қачон эсимиздан чиқмасин.

Меҳр-муҳаббат, бағрикенглик одамзодни хамиша бало-қазолардан қутқариб, тўғри йўлга даъват этиб келган. Аҳли башарнинг минг-минг йиллардан буён Ер юзиде яшаб, кўпайиши ҳам ана шу меҳр-муҳаббат, дўстлик, қардошлиқ туфайлидир.



ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ:

Бошланғич
1-бета

Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон ўртасида 1992 йилнинг 19 февралда дипломатия муносабатлари ўрнатилган. Ўтган давр мобайнида мамлакатларимиз муносабатлари салмоғи, узоқ муддатли ва кўп қирралиги билан ажралиб турди. Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида 2002 йилда имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация икки томонлама муносабатларда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ташриф давомидаги музокараларда Президент Дональд Трамп Ўзбекистоннинг мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини қатъий қўллаб-қувватлашни алоҳида таъкидлади. АҚШ муҳим сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишда Ўзбекистонда эриштирилган улкан ютуқларни эътироф этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда ислохотларни амалга оширишда эриштирилган улкан ютуқларни муттасил мустақамлаш боришини таъкидлади.

Жорий йил март ойида Қозғонистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашуви ҳақида фикр билдирган Дональд Трамп бу муҳим мулоқотда Ўзбекистон муҳим роль ўйнашини эътироф этди ҳамда

Президентлар ўзаро устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида 2002 йилда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги декларацияга янгича суръат бағишлаб, икки томонлама муносабатларни янада мустақамлашга келишиб олдилар.

Қўшма Штатлар «C5+1» минтақавий формати орқали ҳамкорлик ва тараққиётни қўллаб-қувватлашни билдирди. Экстремизм ва халқаро терроризм, умумий таҳдидларга қарши кураш борасида ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олинди. Беш йилга мўлжалланган илк Харбий ҳамкорлик режасини амалиётга татиқ этиш орқали муҳофаа соҳасидаги алоқаларни мустақамлаш муҳимлиги таъкидланди.

АҚШ раҳбари Ўзбекистонда инглиз тили бўйича таълим дастурларини амалга оширишни қўллаб-қувватлашни билдирди ва “Америка овози”нинг Ўзбекистонда аккредитация қилинганлигини юқори баҳолади.

ЎРҚИН КЕЛАЖАК САРИ

МАТБУОТ
ЭЪТИРОФИ

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларида расмий ташрифи ва Вашингтонда бўлиб ўтган учрашувлар АҚШ оммавий ахборот воситаларининг асосий диққат-эътиборида бўлганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, “Associated Press” ахборот агентлиги материалида “Шавкат Мирзиёев 33 миллионга яқин аҳоли яшайдиган мамлакатда либераллашув жараёнини йўлга қўйди. Президент ўтмиш саркиларини улоқтириб ташлаб, сиёсий маҳбустларни озод этди, хорижий валютани алмаштиришдаги чекловларни бекор қилди, мажбурий меҳнат амалиётига чек қўйди. Ҳукумат таркибида ҳам жиддий ўзгаришларга қўл урилди: эски амалдорлар ўрнини замонавий фикрлайдиган менежерлар эгаллади”, дея таъкидлади.

“The New York Times” газетаси мухбирининг фикрича, республика табиий ресурсларга бой бўлиб, бутун Россия, Хитой ҳамда Америка Қўшма Штатлари манфаатлари кесилишган Марказий Осиёда стратегик муҳим ўрин тутди.

АҚШ янгиланган тармоқлари орасида етакчи ўринда турувчи “CNN” телеканали мухбирлари



Дональд Трампнинг “Мен учун Ўзбекистон раҳбари билан учрашув катта шарафдир”, деган сўзларини келтирди.

“The Washington Post” газетаси ўқувчилар эътиборини Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакатда “Америка овози” радиостанциясини аккредитациядан ўтказиш ҳақидаги қарорига қаратди. Чунончи, “Республиканинг ташқи дунёга очилиши мамлакатнинг янги йўналишдаги ҳаракатига имконият яратиб, Марказий Осиёнинг чинакам эркинлиги ҳамда барқарорлигини таъминлашга ҳисса қўшди”, деб ёзади газета шарҳловчиси Рейд

Стендиш. “Newsweek” ҳафталик таҳлилий журнали эса “Президент Трамп “Толибон” ҳаракати билан тинчлик битими имзолашга ёрдам бериши мумкин бўлган Ўзбекистон Президенти билан учрашди” сарлавҳаси остида таҳлилий мақолани чоп этди.

Олий даражадаги Ўзбекистон — Америка музокаралари экспертларнинг ҳам асосий диққат-эътиборини тортди. “Stratfor” таҳлил маркази Президент Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга расмий ташрифини “ҳафтанинг энг муҳим геосиёсий воқеаларидан бири” деб таъкидлади.

АҚШ Штаб бошлиқларининг бирлашган қўмитаси раиси маслаҳатчиси ва АҚШнинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Ричард Норланд юртимиз буюқ тарихга, бой маданиятга эгаллиги билан ҳар қандай кишига ёрқин таассурот бағишлашни қайд этар экан, “бу мамлакат Марказий Осиё, умуман, жаҳон цивилизациясида муҳим роль ўйнаган. Самарқанд, Бухоро каби қўхна шаҳарлар, у ердаги обидлар гўзал ва ҳайратланарли даражада. Энг асосийси, Ўзбекистонликлар самимийлиги, меҳмондўстлиги билан ажралиб туради” деб таъкидлади.

“ЎЗБЕКИСТОН
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ТАШРИФИ БИЗ
УЧУН УЛКАН
ШАРАФДИР”

АҚШ Президенти Дональд Трампнинг Оқ уйда бўлиб ўтган матбуот анжуманида “Ўзбекистон Президентининг ташрифи биз учун улкан шарафдир” деган сўзлари кўпчилик қатори журналистларни ҳам тўққинлантириб юборди. Мана шу сўзларнинг ўзиёқ Америка ҳукумати Ўзбекистон ҳар доим катта қизиқиш билан қараб келганидан далолатдир.

Президент Дональд Трамп Ўзбекистон Президентининг АҚШга расмий ташрифи муносабати билан ўтказилган қабул маросими иштирокчиларига мурожаатида “Америка халқи номидан Президент Мирзиёевга унинг Оқ уйда амалга оширган тарихий ташрифи учун миннатдорлик билдираман” деди.

АҚШ раҳбарининг бу баҳоси меҳнаткаш ўзбек халқи, Ўзбекистон ва мамлакатимиз раҳбарига

кўрсатилган юксак эҳтиром белгисидир. Шавкат Мирзиёев бунга жавобан “Ҳақиқатдан ҳам бутунги учрашув бутун дунёдаги ўзбеклар учун жуда қимматли, таъсирлидир” деди.

Муносабатларнинг самарали натижаси ташриф давомида имзоланган салкам 5 миллиард долларлик шартномада ўз аксини топди. АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги янгиланган ҳамкорлик Дональд Трамп таъбири билан айтганда, “икки мамлакат истисқолида янада ёрқин келажакнинг бошланишидир”.

Давлатимиз раҳбари ташриф давомида АҚШ Давлат котиби Майкл Помпео, муҳофаа вазири Жеймс Мэттис, Капитолийда АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзоси Трент Келли бошчилигидаги конгрессменлар билан ҳам учрашди. Шунингдек, Шавкат Мирзиёев АҚШ Сенати Раиси Ўринбосари, молия бўйича қўмитаси раиси Оррин Хатч бошчилигидаги сенаторлар билан, Жаҳон банки президенти Жим Ёнг Ким билан учрашди.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиз Президентини ушбу ташрифининг тарихий аҳамияти аввало дунёда, минтақада Ўзбекистоннинг тобора ошиб бораётган юксак нуфузидан яна бир далолатдир. Айни пайтда янгиланаётган жаҳонимизга, ислохотлар жараёнига янада янгича рух, жўшқинлик бағишлайди. Энг муҳими, бу ташриф икки томонлама ҳамкорликни янада юксак поғонага олиб чиқишга хизмат қилади.


Шарофиддин ТўЛАГАНОВ,
шарҳловчи

ТАДБИРКОРЛИК

Мамлакатимизда шифобахш гиёҳлар ва доривор ўсимликларни етиштириб, фармацевтика тармогини ривожлантириш ҳамда маҳаллий бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли дори-дармон билан таъминлашга қаратилаётган эътибор соҳанинг истиқболли йўллари билан белгилаб берди.

Президентимизнинг 2017 йил 3 майдаги “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони юртимизнинг тоғли ҳудудларида ўсадиган турли ноёб доривор гиёҳларни етиштириб, кўпайтириш бораборида хорижда парваришланадиган шифобахш ўсимликларни маҳаллий шароитга мослаштириб, ундан самарали фойдаланишга қўлай имконият яратди. Тармоқ ривожини ишбилармонлар қизиқиши ва иштирокини оширди.

Мазкур фармонга мувофиқ Сурхондарё вилоятида ташкил этилаётган “Бойсун-фарм” эркин иқтисодий зонасида мамлакатимиз фармацевтика тармогини янада ривожлантириш учун маҳаллий ва хорижлик сармоядорлар



жалб этилиб, уларнинг самарали инвестиция лойиҳаларини руёбга чиқаришга зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Жумладан, Бойсун туманида аниқланган йигирмадан ортиқ турдаги ёввойи ҳолда ўсадиган ноёб доривор гиёҳни маданийлаштириш чоралари кўрилмоқда. 15 турдан ортиқ тиббиёт буюмлари ва дори-дармон ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни барпо этиш режалаштирилган. Ўнга яқин маданийлаштирилган шифобахш ўсимликларни етиштириш йўлга қўйилаётган бўлса, ўн уч турдаги доривор гиёҳлардан сааноат плантацияси яратиш мўлжалланмоқда.

Вилоятдаги эркин иқтисодий зона таркибида етиштирилган ана шундай ўсимликлардан бири — асл ватани Парагвай бўлган стевиядир. Мутахассислар фикрича, сайёрамизнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида ширин стевия (Stevia rebaudiana bertonii) хом ашёсидан тайёрланаётган препаратлар фармацевтика саноатида ноёб маҳсулот саналади.

Озиқ-овқат ва парфюмерия-косметика саноатида кенг фойдаланилади. Қишлоқ хўжалигида маъдансиз ўғит, биостимулятор ва зараркунадаларга қарши қимматли курашувчи табиий восита сифатида қўлланилади. Қизил лавлагидан уч юз барабар ширин бу ўсимликдан олинган препаратлар жаҳон тиббиётида ошқозон-ичак, камқонлик, ортиқча вазн каби кўплаб касалликларни даволашда самарали восита ҳисобланади. Ўсимлик баргидан олинган стевиязид моддаси ширин таъм берувчи бирикма бўлиб, Америка, Россия, Жанубий Корея, Япония, Хитой каби мамлакатларда уни истеъмол қилишга эҳтиёж ортиб бораётди. Стевиозид моддаси қандли диабет билан касалланган

ПАРАГВАЙ СТЕВИЯСИ:
ШИРАСИ ТИЛНИ
ЁРАДИ

беморлар учун шакар ва бошқа ширинлик ўрнини босувчи, қувват берувчи ноёб дармондори, озиқ-овқат саноати ва салқин ичимликлар ишлаб чиқаришда хушбўй таъм берувчи модда сифатида қўлланилади.

Шўрчи туманидаги “Оллоҳёроҳун” стевия-экспериментал фермер хўжалигида 26 йилдан буюн мазкур ўсимлик Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат аграр университети олимлари ҳамкорлигида синовдан ўтказилиб, самарали ютуқларга

15 турдан ортиқ тиббиёт буюмлари ва дори-дармон ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни барпо этиш режалаштирилади.

эришилмоқда. Ундан очик дала шароитида дастлабки сифатли уруғ олингани ва фермернинг тажриба майдонидан парваришланиб, маҳаллий иқлимга чидамли, серхосил “Сурхон” формаси яратилганига ҳам йигирма йилдан ошди. Лекин уни кенг

майдонларда етиштириш раҳбарлар эътиборидан четда қолаётган эди.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил ноябрь ойида Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашувда бу ўсимликни кенг майдонларда етиштириш учун барча имкониятлар яратилишини алоҳида таъкидлади, — дейди “Оллоҳёроҳун” стевия-экспериментал фермер хўжалиги раҳбари Хикматулло Аллаёров. — Бу узоқ йиллик излаш ва меҳнатимизга берилган юксак баҳо эди. Шу учрашувда ноёб ўсимликнинг даламизда яратилган янги формаси синовдан ўтказилганида қўйилганидан ҳам яхши натижа бергани беихтиёр ёдимга тушди. Ўшанда баргидан олинган стевиязид моддаси ўсимлик ватани — Парагвайда 6-7 фоизни ташкил этса, биз ўстирган стевия баргидан бу кўрсаткич 12,4 фоизгача бўлгани қайд этилган эди. Маҳаллий иқлимга мослаштирилган ўсимликимизнинг “Бойсун-фарм” эркин иқтисодий зонаси таркибида етиштирилиши биз учун яна бир қатор имконият ва имтиёз берди.

Фермер хўжалигининг тажриба майдонидан парваришланган стевия қўчатларида томирларга ажратилиш усулини қўллаш, ўсимлик умрини узайтириш. Маҳаллий иқлимга мослаштирилиб, маданийлаштирилди. Натижада дастлабки йилда ҳосилдорлигининг гектаридан бир тоннагача, кейинги йиллардан бошлаб 1,5-2 тоннагача

кўпайиб бориши кузатилди. Стевиозид моддаси (фитопастор асосида) 12,4 фоизгача бўлган совуққа чидамли, ширинлиги юқори, ҳосилдор, дала шароитида гуллаб, сифатли уруғ берадиган маҳаллий формаси яратилди. Хўжаликда олиб боришган илмий тажриба ва тадқиқот ишлари жамланиб, “Стевия ўсимлигини уруғидан етиштиришнинг асосий агротехникаси” мавзуда методик қўлланма чоп этилди.

Дастлабки йилда ҳосилдорликнинг гектаридан бир тоннагача, кейинги йиллардан бошлаб 1,5-2 тоннагача кўпайиб бориши кузатилди.

Шўрчида етиштирилган ўсимлик таркибида стевиязид моддасининг юқорилиги хорижликларга ҳам манзур бўлди.

— Субтропик иқлимга мансуб мазкур ўсимлик беш йилгача табиий ҳолда кўкариб чиқади, — дея сўхбатни давом эттиради фермер. — Тажриба майдонимизда португалия, яъни қўчатларни то-

мирларга ажратиш усулини қўллаш орқали умрини узайтиришга эришилди. Етиштирилган маҳсулотимизга ички бозорда ҳам, хорижда ҳам катта эҳтиёж бор. Хусусан, 2000 йил дастлабки ҳосилининг бир қисmini Словакия Республикасининг “Агроконсул-стевия” компанияси экспорт қилган эдик. Дастлабки маҳсулотимиз хорижликларда катта қизиқиш ўйотди. Уни кенг майдонларда ўстиришга эътибор берилганидан боис ҳамкорлигимиз тўхтаб қолди. Шу пайтгача бу ўсимликни тажриба участкамизда парваришлаб, уруғини олиб келаётган эдик. Ҳосилини Чирчик туманидаги “Чирчик стевия интер-фарм” масъулияти чекланган жамиятида қайта ишлашни йўлга қўйдик. Бу ерда шифобахш чой тайёрланиб, “Стевия ширин ҳаёт чойи” тамғаси билан истеъмолчиларга етказиб берилаётганидан кўпчиликнинг хабари бўлса керак.

Айни пайтда кенг майдонларга экиш учун уч гектар ердаги ўсимлик ниҳоллари баравж ривожланмоқда. Фермер келгуси йилларда минг гектар майдонда стевия парваришлаб, ундан мўл ҳосил олиши белгиланган. Шунингдек, кенг даладарда етиштириш учун бир гектар майдонда қўчат тайёрланадиган иссиқхона барпо этилмоқда. Йирик лойиҳани “Асакабанк” молиявий қўллаб-қувватлаётди. Келажакда воҳанинг ўзидан хом ашёни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган замонавий корхона бунёд этиш ҳам мўлжалланмоқда.

Амалга оширилаётган барча ишлар стевия хом ашёси хориждан кириб келишининг олдини олиб, маҳаллий истеъмолчиларни арзон, сифатли маҳсулот билан таъминлашга, нафақат фармацевтика, балки қишлоқ хўжалиги, парфюмерия-косметика ва озиқ-овқат саноатини изчил ривожлантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Жонибек НУРМАНОВ,
Сурхондарё вилояти

**Бошлангич
1-бетда**

Халқимиз ҳам Ер юзидаги барча инсонлар қаторида азал-азалдан нафақат ўз қариндош-уруғидан, балки етти ёт бегонадан ҳам ўз меҳр-мурувватини дарин тутмай келган. Узокка бормаиллик, ота-боболаримиз иштирок этган Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимиз кўрсатган меҳр-оқибат, матонатини яхши биламиз. Бу ҳақда битилган кўплаб асарлар, жумладан, Фафур Гуломнинг "Сен етим эмассан" шеъри, адиб Раҳмат Файзийнинг "Хазрати инсон" романи ва роман асосида яратилган бадиий фильм кўпчиликлари таниш.

Халқимизнинг бу уруш майдонларидоғина эмас, балки фронт ортида кўрсатган жасорат ва матонати ҳусусида Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 9 май — Хотира ва қадрлар кунига бағишланган маросимдаги нутқиди жумладан, шундай деди: "Уруш даврида халқимиз томонидан фронтга 2 мингдан зиёд самолёт, кўплаб қурол-яроғ, юзлаб ҳарбий-санитария поездлари, дала ошхоналари, палаткалар, жуда катта микродоғи озик-овқат, кийим-кечак ва бошқа зарур маҳсулотлар етказиб берилди. 1941—1945 йилларда мамлакатимиз собиқ Иттифок миқёсидаги улкан госпиталга айланди. Бу ерда минг-минглаб жангчилар даволаниб, уруш ва меҳнат фронтларига қайтишди."

Уша суронли йиллар ҳақида гапирганда, халқимизнинг олижаноб гуманистик фаиллатлари тўғрисида ҳар қачна фахрланиб, ғурурланиб сўз юритсак, арзийди, албатта. Ўзбекистон уруш туғайли уй-жойи, ота-онаси ва қариндошларидан ажралган, фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган қарийб 1 миллион кишини ўз яқинларидек қутиб олди. Уларнинг 200 минг нафари болалар эди. Юзлаб ўзбек оилалари эвакуация қилинган етим болаларни ўз тарбиясига олди. Охириги бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўрди.

Тошкентлик темирчи Шоахмат Шоахмудов хонадони ана шундай оилалардан бири эди. Баҳри ая ва Шоахмат ота 14 нафар оч-юпун, етим болани ўз тарбиясига олиб, уларга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатдилар. Халқимизга хос ана шундай буюк инсонпарварлик юксак маънавий жасорат намунаси сифатида бутун дунёда эътироф этилди.

Шу маънода "Болаликнинг сўнгги ёзи" ҳужжатли фильмининг ҳам асло ҳаяжонсиз қўриб бўлмайди. Фильм Ўзбекистон тарихининг айнан уша саҳифаларидан, яъни бу республика Иккинчи жаҳон уруши йилларида минглаб қочқоқларни ўзининг иссиқ бағрига олиб, уларга нон, бошпана ва иш берган қунарлардан хикоя қилади.

Картина режиссёри Наби Раззоқов бизга Ўзбекистон телевидениеси ва "Ўзбекфильм" киностудиясида фаолият кўрсатган пайтларда олган фильмлари билан таниш. Фильм сценарийини Вячеслав Шатохин томонидан ёзилган.

Вячеслав Шатохинга Тошкент шаҳрида дунёга келган. Шу ерда мактабда ўқиган, Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) нинг ҳуқуқшунослик факультетини тугаллаган. У онаси ва буви-сининг урушгача ўзлари истиқомат қилган Полтава шаҳри ҳақидаги хикояларини кўп эшитган. Очлик. Уруш йилларининг машаққат ва қийинчиликлари. Бор-йўғидан айрилган, абор, битлаб кетган, кир-яғир ҳолда келган инсонларга бошпана берган, уларни иситган ва ҳаётларини сақлаб қолган Ўзбекистон. Ҳали буларни кўрган одамлар тирик пайтида ушбу воқеалар шохиди бўлган инсонларни излаб топиб, уларнинг хотираларини ёзиб олиб, ҳужжатли фильм ишлашга қарор қилади. Кўпдан-кўп газеталар, журналларга эълонлар беради. Халқаро акторборт тармони — интернет Шатохиннинг ушбу сўровини жаҳоннинг барча бурчакларига етказди. У радиоларда, Нью-Йоркдаги RTN телеканалда чиқишлар қилди.

Бу сўровни АКШ, Исроил, Россия, Австралия, Германия аҳолиси эшитди. Ўзларининг уруш хотиралари билан боғлиқ хатлари, ошқорчалари, бандеролларини ҳамда ушбу мавзуга бағишланган китобларини жўнатишди. Фильм суратга олиб бўлинган, барча иштирокчилар Бруклин хибонига тўпландилар. Улар шу ерда бир-бири билан танишиб, Ўзбекистон ҳақидаги самимий хотираларини гапириб беришди.

Мино Мазо, уй бекаси.

У Ўзбекистонда қандай яшагани, ўзбеклардан кўплаб дўст-дўгоналар орттиргани ва ўзбек мактабиди ўқиш ҳақида ёзишни қандай ўрганганини айтиб бери. Орадан анча йиллар ўтиб, уруш йилларида бирга яшаган ўзбекистонлик қўшинлари уни атай излаб Белоруссияга келишди. Аниқроғи, ўзи яшаган хонадон оқсоқоли невараси билан келади. Мезбон уларни Минскка томошага олиб боради.

Либус Исроил Аронович. 1926 йил мартда Вилниши виллоятининг Гайсин шаҳрида туғилган.

"Тошкент шаҳрига 1941 йил 30 июлда келганман, — дейди у. — Йўлда бомбардимон пайтида биз акам билан вагондан тушиб қолиб, бугдойзорга яширинганмиз. Шу тариқа поезддан қолиб кетганмиз. Орадан олти ой ўтиб, Тошкентга келиб ота-онамиз билан топилганмиз. Кейин эса акам фронтга кетди, мени эса, авиация заводида ишга қабул қилишди. Мен у ерда фибрил бензобакларни парчиллашни ўргандим."

Чупрун Соня, Одесса шаҳрида туғилган.

"1941 йилда Тошкентга кўчирилганмиз, — дейди у. — Мен ўн уч ёшда эдим. Ўзбекистонда қишлоқда яшаган-

кишилари бошпана ва иш билан таъминлашга ҳаракат қилишарди. Қочқинлар ҳам уларга катта миннатдорлик ва эҳтиром билан жавоб берарди. Онам тиксув фабрикасида ишларди. У кўплаб ўзбек қизларига тикишни ўргатганини биламан."

Яна битта воқеа.

"Урушдан олдин ота-онам билан Минскда яшардик. 1941 йил июнда онам — тиббиёт институти толибасини Могилёвга амалиётга жўнатишган. Мен у билан бирга бўлганман. У ерда бизлар уруш билан рўпара келдик. Могилёвдан минг азобда яёв Кривец шаҳрига етиб бордик. Хайриятки, у ерда Шарққа кетаётган сўнги вагонга илишиб ололдик. Тиббиёт институти эвакуация қилинган Тошкент шаҳрига етиб бордик. Онам институтидаги тахсилни давом эттирди. Бизлар онамнинг икки

бўйсув дарёси оқарди. Бир кун иккинчи январь ойида онам сувга бориб, сирганиб дарёга тушиб кетади. Сузишни билмаган онам бечора қўқиб кетди. Биз болалар гирт етим қолдик. Мен 16, Клара 5, Исаак 4 ёшда эди. Ўшанда касб-хунар билим юртида ўқирдим ва авиация заводида фрезерчи бўлиб ишлардим. Ўзбек қўшинларимиз бизларни болалар уйига жойлаштиришди. Хуллас, Ўзбекистон, Тошкентнинг меҳри-шафоти билан бизлар ўсиб улғайдик, яхши касб-кор эгалладик ва жамиятга фойдали инсонлар бўлиб етишдик.

Гарий Горелик, Нью-Йорк:

"1941 йил 22 июнда фашистлар Германияси СССРга ҳужум қилганда мен 9 ёшда эдим, энди иккинчи синфга ўтгандим. Ота-онам билан Ростов-Донда яшардик. Шу шаҳарда туғилган-

чамадонни олиб, минг машаққат билан Тошкентга етиб келган. Бу ерда ўзбеклар бизга бошпана, иш берди. Онам 41 ёшида тул қолиб, кейин оила қилмади. У умр бўйи отамга садоқат билан яшади."

Татьяна Перцева

"Эски Тошкент ҳақида очерклар" китобини йўллаганки, уни асло ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди. Мана бу китобдан айрим лавҳалар:

"Маласова кўчасидаги қадрдон "Ўртоқ" фабрикасини ҳали-ҳали эслаб тураман. У ердан гулдоираганча Оққўрғон канали оқиб ўтарди. Карамель хамирининг анвойи ҳиди бутун кўчага анқиб турарди. Биз бу фабрикада мактаб амалиётини ўтардик. Конвейердан шоколад конфетлари оқиб келарди. "Қорақум", "Белка", "Мишка" деган конфетларни тайёрлар эдик. Мармелад цехида қуоқ қайлани қолипчаларга қуярдик. Қанд упаси сепилмаган мармелад янада мазалироқ туюларди. Бу — болалигимиз ва ёшлигимизнинг тансиқ ва анвойи ҳидлари эди! Мен Тошкентдаги хибонни ҳам умрбод эсимдан чиқармайман. У мен учун энг қадрдон дўст каби эди. Ёшлигимизнинг хибони. Тошкентнинг ажойиб бўйиши — курант хибон аллейсининг бир қисми эди. Биз уни пойтахтимизнинг рамзи деб ҳисоблардик. Худди Лондондаги Биг Бен ёки Париждаги Эйфел минораси каби. Тошкент курантлари қаердан келган эди? Бунинг тарихи ҳам қизиқ. Анча йиллар аввал, аниқроғи, уруш туғайли арафасида бир чаққон яхудий немис шаҳарчаси Аллеништайн ратушасидаги бузилиб ётган соат механизмларини қисмларга бўлиб юк вагонига ортиб Тошкентга йўл олади. У кўплаб мамлакатлар, чегараларни босиб Тошкентга ошқарди. У йўлда неча ой бўлган, темир йўлчиларни вагонни бир составдан бошқасига ўлашга қандай кўндирган, булар албатта, бизга қоронғу. Генераллар урушдан олинган ўлжаларни вагонлаб ташиган пайтда, у уйига соатни келтирган ва кейинчалик Тошкент курантига айланган. Яна бир жиҳати, бу инсон кўп йиллар давомида курантнинг ишлашини назорат қилиб борган. Мен унинг қабрини Боткин қабристонига кўрганман. Бу инсон — Ишля Абрамович Айзенштейн хотирамизда абадий яшайди! Тошкент менга туҳфа этган ажойиб байрамларни, қувончли кунларни ҳеч қачон эсимдан чиқармайман."

Леонид Броневой:

"Биз, оч-яланғоч, бит босган, хўрланган бева-бечораларни уруш йилларида Ўрта Осиё республикалари ўз бағрига олди. Ўзбеклар, қозқлар, тожиклар қочқоқларни ўз биродарларидан зиёд кўриб, хонадонларига қабул қилди, энг сўнги нонини улар билан бўлишиб еди".

НАЖОТ ҚАЛЪАСИ

Уруш йиллари Москвада, Ўрта Осиё республикалари ва Габрий Сибирь раҳбарларининг катта мажлисида қочқинлар ва эвакуация қилинганларни тақсимлаш пайтида Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбари Усмон Юсупов: "Қанча келишса, ҳаммасини қабул қиламиз" деган экан.

Ҳақиқатдан ҳам шундай бўлган. Ўзбекистон уруш, қаҳатчилик йилларида юз минглаб кишини ўз бағрига қабул қилди. Улардан 200 минг нафари болалар эди. Жумладан, минглаб яхудий. Қочқинлар орасида Украина, Белоруссия ва Россиянинг босиб олинган ҳудудларида фашистлар томонидан шафқатсизларча хўрланган, зўрланган, жисмонан ва маънан азоб-укубатларга маҳкум этилган руслар, украинлар, белоруслар ва бошқа миллат вакиллари бор эди. Яхудийлар эса ҳар лаҳзада таҳдид қилиб турган муқаррар ажалдан қочиб келишарди. Гитлер ва унинг шотирлари яхудий халқини Ер юзида битта ҳам қолдирмай қириб ташлашга қарор қилган эди. Ўзбекистон улар учун иккинчи Ватан бўлиб қолди. У совуқ қотанларни иситди. Очларнинг қоринини тўйдирди, бошпана берди. Ҳеч муболағасиз, уларнинг ҳар бирига ўз боласидай ғамхўрлик қилди.

ман. Отам Шимолий Кавказдаги йирик пойабзал фабрикасида ишларди. Фабрикани ҳақида бизни Тошкентга эвакуация қилишди. Биз тушган эшелонга Минерал сувлар шаҳри яқинида осмондан бомба ташлашди. Анчагина қурбонлар бўлди. Ўлганлар ва ярадорлар кўп эди. Портлаш тўлқини отамни қонтузляди. Кейин Бокуга келиб, паромга ўтириб Красноводскка ўтдик. Тошкентда бизни маҳаллий пойабзал фабрикасининг вакиллари қутиб олишди. Дастлаб фабриканинг Маданият саройида яшашига тўғри келди. Тоза-кўрна тўшаклар беришди, ҳаммомча олиб боришди. Отам Тошкентдаги фабрикада ишни давом эттирди. Ўша йилларда ўзбеклар билан қўшни бўлиб, маҳаллада яшаб, бу халқнинг нақадар бағри кенг, инсонпарвар миллат эканига амин бўлдим. Бизлар урушдан кейин уйга қайтаётганимизда қўшни ўзбек аёллари ўзлари тиксан чиройли дўпчиларни бошимизга кийгизиб қўйгани ҳали-ҳали эсимда. Мен уларни узоқ вақтлар асраб юрдим. Маданият саройида яшаган пайтимиздаги олинган суратларни ҳали ҳам сақлаб келаямман."

София Шатохина:

"Менин онам Мария Наумовна Хотимлянская Полтавада бомба ҳужумлари остида икки боласини ранг қутқариб соғ-омон чиққан. Уй-рўзгорнинг барча буюм, анжамлари ўша жойда қолиб кетган. Отам кўнглимизга қўйилиб Полтавага қимоя қилган. Жанг пайтида ҳалок бўлган ва биродарлик қабристонига дафн этилган. Онам ўзи билан бор-йўғи икки туғун ва

миз. У ерда мен уч қиз — Фарида, Манзура ва Муқима билан дўстлашдим ва бу дўстлигимиз жуда узоқ йиллар давом этди".

"Мен Клара Баумштейн, қизлик фамилиям — Вейсман.

1927 йилда Одессада туғилганман. Тошкентда отам 307-ҳарбий заводда ишлаган. Ўн беш ёшга тўлганимда мен ҳам шу заводда ишлаб бошладим. Заводдан бизларга яримта хона беришган эди. Фанер тўсиқнинг орқасида бошқа оила яшарди. Урушнинг бундай қийинчиликларида қарамадан мен бу ерда ўзбек халқининг бағрикенглиги, سخоватини ўз кўзим билан кўрдим".

Садогурская Ася Семеновна 1934 йил 21 июнда туғилган.

"1941 йилнинг июлида Киевдан Ўзбекистонга, Бухорога яқин бир шаҳарчага келганмиз. Бу ерда мактабнинг икки синфини тузатдим. Синфимиздаги барча ўқувчилар (маҳаллий ва қочқинлар) жуда аҳил, иноқ эдилар". У юборган шеврдан сатрлар: Ўзбеклар, қозқлар, грузинлар, Таъзимиз қабул айлангиз бугун. Даҳшатли уруш йилларида бизларнинг Ҳаётимиз асраб қолганингиз учун.

Иосиф Весерман, 1934 йил 17 сентябрда Молдованинг Флорешти шаҳрида туғилган.

"1941 йилнинг июнь ойида онам ва укам билан дастлаб Украинага, кейинчалик Наманганга кўчирилдик. Мен ва оилам Ўзбекистондан жуда-жуда миннатдоримиз. Азиз ва қадрдон ўзбек халқини ҳеч қачон эсдан чиқармаймиз. Уларсиз бизларнинг яшаб қолишимиз дарғумон эди. Раҳмат! Раҳмат! Катта раҳмат!"

Фира Борисовна Чечелницкая, қизлик фамилияси — Гринберг, 1938 йилда Запорожьёда туғилган.

"Отам Борис Фраймович 1942 йилнинг январда Сталинград остоналаридаги жангларда ҳалок бўлган, — 1941 йил 18 августда онам мен ва укам билан Самарқанд вилояти, Комсомол тумани, "Қизил аскар" колхозига кўчириб келтирилганмиз. Мен ўша ерда фельдшер ёрдамчиси бўлиб ишладим, бухгалтерия курсини битирдим. Колхозда бош бухгалтер ўринбосари бўлиб ишладим. Узоқ йиллардан кейин биз яна Запорожьёга қайтиб кетдик".

"Менин исми Яков, Кременчугда туғилганман, дейди яна бир сўхбатдош.

Уруш бошланган пайтда онам икки нафар гўдаги билан Ўзбекистонга йўл олган. Ўшанда мен 10, укам 4 ёшда бўлганмиз. Ававалбошда Янгийўлда, сўнгра Тошкентда истиқомат қилдик. Жуда ҳам машаққатли даврлар эди. Нон қарточка билан бериларди. Одамлар очликдан ишииб, ўлганларини кўрганман. Ҳама фронт учун ишларди. Шунга қарамай, Ўзбекистон халқи қочқинларни меҳр-муҳаббат, очик юз билан қабул қилишарди. Олис юртлардан келган кўнгли ярим

синглиси оилалари билан бирга яшардик. Олой бозори ёнидаги Широкий кўчасида жойлашган ҳовлимиз катта эди. Бу ерда турли миллатга мансуб ўнлаб оилалар истиқомат қилишар эди. Тор-тишувлар, зиддиятлар ҳам бўлиб турарди. Аммо бошимизга бир ташвиш тушса, ҳаммамиз бир-биримизга ёрдамча ишлардик. Ярим оч-наҳор юрайдиган пайтларимиз кўп бўларди. Зангиладан тишларимиз лиқиллаб қолганди. Нима-дир сабаб билан онам ва мени бир ўзбек хонадони бир неча марта меҳмонча таклиф этиб қолди. Улар бизни тўйимли миллий овқатлар билан сиёлаб, ҳатто кетишимизда турли мева-чева-лар бериб юборгани ҳеч эсимдан чиқмайди. Очики, бундай ҳиммат ва мурувватлар бизларни қайта ҳаётга қайтарди. Отам Москва остонасидаги жангларда махсус авторота командири сифатида иштирок этган. 1941 йилнинг сентябрь ойида бедарак йўқолган".

Мария Винецкая, Нью-Йорк:

"Немислар чекинган пайтда гетто асирларининг ярмидан кўпрогини отиб ташладилар. Мен 7 ойлик ўғлим билан қочиб, яшириниб қолдим. Холаваччаларим 18 ёшли Маня ва 21 ёшли Бетони аввал зўрлашиб, кейин ўлдирди."

Рахил Левиева, Нью Йорк:

Тошкентга биз 1942 йил мартда, немисларнинг Сталинградга ҳужумидан кейин етиб қолдик. Бизларни бир ўзбек оиласи ўз бағрига олди. Бу хонадон Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида, Ўрда ҳудудида эди. Яқинимиздан



Ўзбекистон уруш, қаҳатчилик йилларида юз минглаб кишини ўз бағрига қабул қилди. Улардан 200 минг нафари болалар эди. Жумладан, минглаб яхудий. Қочқинлар орасида Украина, Белоруссия ва Россиянинг босиб олинган ҳудудларида фашистлар томонидан шафқатсизларча хўрланган, зўрланган, жисмонан ва маънан азоб-укубатларга маҳкум этилган руслар, украинлар, белоруслар ва бошқа миллат вакиллари бор эди. Яхудийлар эса ҳар лаҳзада таҳдид қилиб турган муқаррар ажалдан қочиб келишарди. Гитлер ва унинг шотирлари яхудий халқини Ер юзида битта ҳам қолдирмай қириб ташлашга қарор қилган эди. Ўзбекистон улар учун иккинчи Ватан бўлиб қолди. У совуқ қотанларни иситди. Очларнинг қоринини тўйдирди, бошпана берди. Ҳеч муболағасиз, уларнинг ҳар бирига ўз боласидай ғамхўрлик қилди.

ман. Отам Шимолий Кавказдаги йирик пойабзал фабрикасида ишларди. Фабрикани ҳақида бизни Тошкентга эвакуация қилишди. Биз тушган эшелонга Минерал сувлар шаҳри яқинида осмондан бомба ташлашди. Анчагина қурбонлар бўлди. Ўлганлар ва ярадорлар кўп эди. Портлаш тўлқини отамни қонтузляди. Кейин Бокуга келиб, паромга ўтириб Красноводскка ўтдик. Тошкентда бизни маҳаллий пойабзал фабрикасининг вакиллари қутиб олишди. Дастлаб фабриканинг Маданият саройида яшашига тўғри келди. Тоза-кўрна тўшаклар беришди, ҳаммомча олиб боришди. Отам Тошкентдаги фабрикада ишни давом эттирди. Ўша йилларда ўзбеклар билан қўшни бўлиб, маҳаллада яшаб, бу халқнинг нақадар бағри кенг, инсонпарвар миллат эканига амин бўлдим. Бизлар урушдан кейин уйга қайтаётганимизда қўшни ўзбек аёллари ўзлари тиксан чиройли дўпчиларни бошимизга кийгизиб қўйгани ҳали-ҳали эсимда. Мен уларни узоқ вақтлар асраб юрдим. Маданият саройида яшаган пайтимиздаги олинган суратларни ҳали ҳам сақлаб келаямман."

София Шатохина:

"Менин онам Мария Наумовна Хотимлянская Полтавада бомба ҳужумлари остида икки боласини ранг қутқариб соғ-омон чиққан. Уй-рўзгорнинг барча буюм, анжамлари ўша жойда қолиб кетган. Отам кўнглимизга қўйилиб Полтавага қимоя қилган. Жанг пайтида ҳалок бўлган ва биродарлик қабристонига дафн этилган. Онам ўзи билан бор-йўғи икки туғун ва



**Абдураҳим
АЗИМОВ,
Ўзбекистон
Ёзувчилар
уюшмаси
аъзоси**

Ўроз ҲАЙДАР
адарё вилояти

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ХАММА НАРСАДАН УЛУҒ

Бошланғич 1-бетда

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИНING 70 ЙИЛЛИГИ – ДАВЛАТИМИЗ ВА ЖАМИЯТИМИЗ ЭЪТИБОРИДА

биринчидан, умумэтироф
этилган инсон ҳуқуқлари қоида-
лари ва қадриятларига, шунинг-
дек, инсон ҳуқуқлари соҳаси-
даги халқаро мажбуриятларга
содиклик;

иккинчидан, қучли ҳуқуқий
давлатчилик ва адолатли фуқа-
ролик жамиятини шаклланти-
ришга асосланган миллий ман-
фаатларнинг устуворлиги;

учинчидан, Ўзбекистон Рес-
публикаси Конституциясида
муштамалланган шахс манфа-
тларининг жамият ва давлат
манфаатларидан устуворлиги;
тўртинчидан, босқичма-бос-
қичлик тамойили давлат ва жа-
миятнинг ислоҳ қилиш ва модер-
низациялаш жараёнларининг
энг муҳим таркибий қисми
хисобланиши;

бешинчидан, ушбу соҳада
мажбур жамияти муаммолари
муҳокама қилиш ва ҳал этиш-
да фуқаролик жамиятининг
барча институтлари, шунинг-
дек, халқаро шериклар билан муло-
котни кўзда тутишчилик ва
баррикентлик каби тамойиллар-
ни ўзидан камрайд.

Мамлакатимизда, ушбу та-
момилларга амал қилган ҳолда,
инсон ҳуқуқлари соҳасидаги
халқаро стандартларни жамия-
т ҳаётига, фуқаролар ва дав-
лат хизматчилари онгу шуури-
га синдиришга алоҳида эъти-
бор қаратиб келинмоқда. Бу-
ларнинг барчаси, ўз навбатида,
бизга инсон ҳуқуқларини ҳимоя
қилишнинг самарали тизимига
асос солиш учун ёрдам берди.

Авваломбор, Ўзбекистон хал-
қаро стандартларини миллий
қонунчиликка ва ҳуқуқни қўла-
лаш амалиётига босқичма-бос-
қич имплементация қилиш
бўйича ўз моделни яратди. Ҳу-
сусан, миллий парламент қабул
қилган Конституциянинг иккин-
чи бўлиминини: **“Инсон
ҳуқуқлари тўғрисидаги ўзбек
билли”** деб аташ мумкин.

Юртимизда инсоннинг шах-
сий, сиёсий, иқтисодий, ижти-
моий ва маданий ҳуқуқлари
тўғрисида қонунчилик тизими
амал қилмоқда. Ҳозирги кунга
қадар инсон ҳуқуқлари ва асо-
сий эркинликларини тартибга
соладиган 12 та конституциявий
қонун, 16 та кодекс ва 700 та-
дан ортиқ қонун қабул қилин-
ган.

Ўзбекистонда мактабгача та-
лим ва таълим ёшида бўлган
болаларни, ўрта махсус ва олий
ўқув юрлари талабаларини,
давлат хизматчиларини, ҳуқуқ-
тартибдор тизими ва судлар, пе-
дагогика, тиббиёт ва ижтимоий
соҳа ходимларини қамраб ол-
ган инсон ҳуқуқлари бўйича
таълим тизими шакллантирил-
ган. Жамиятда ҳуқуқий мада-
ниятни юксалтириш миллий
дастури муваффақиятли табиқ
этилмоқда.

Мамлакатимизда инсон
ҳуқуқлари ва эркинликларини
таъминлаш муаммоси фақат
давлатнинг эмас, балки бутун
жамиятнинг диққат марказида-
дир. Амадаги қонунчилик до-
ирасида фуқаролик жамияти
институтлари қонунчиликни та-
комиллаштиришда, аҳолининг
ижтимоий эътиҳаманд қатлам-
лари ҳуқуқлари мониторинг-
да, ахборот-маърифий фаоли-
ятда, шунингдек, инсон ҳуқуқ-
лари соҳасида халқаро мажбу-
риятларни бажариш бўйича
миллий даврий ва муқобил маъ-
рузаларни тайёрлашда фаол
иштирок этади.

Ўзбекистонда БМТнинг хал-
қаро механизмлари олдидagi
хисоботларнинг халқаро талаб-
ларига жавоб берадиган тизими
яратилган. БМТ устан ва шарт-
номавий органларнинг мил-
лий маърузаларни қўриб чиқиш
якулини бўйича тавсияларини
бажариш соҳасидаги Миллий
ҳаракат режаларини тайёрлаш
ва қабул қилиш ана шу тизим-
нинг муҳим таркибий қисми
хисобланади. Президентнинг
Парламентга тақдим этган Му-
рожаатномасида таъкидлагани-
дек, **«Биз Ўзбекистон Респу-
бликасининг хорижий давлат-
лар, халқаро ташкилотлар ва
халқаро молия институтлари
билан сиёсий, савдо-иқтисод-
ий, маданий-гуманитар соҳа-
ларда тузилган шартнома ва
келишувларини ўз вақтида,**

тўлиқ ва сифатли бажариш
бўйича барча зарур чора-тад-
бирларни қўрамиз».

Инсон ҳуқуқлари масалала-
ри Ўзбекистон ташқи сиёсати-
да устувор ўрин тутди. Ҳуку-
матимиз инсон ҳуқуқлари со-
ҳасида халқаро ҳамкорлиқни
ривожлантиришга катта аҳамия-
т бераётган. Бу савий-ҳаракат-
лар Бирлашган Миллатлар
Ташкилоти ҳамда Европада
Хавфсизлик ва ҳамкорлик таш-
килоти ҳужжатларидаги асосий
тамомиллар доирасида амалга
оширилмоқда.

Ўтган йилдан эътиборан,
Ўзбекистон демократик ва
ҳуқуқий ривожланиш, жамият
ҳаёти барча соҳаларини янада
ислоҳ қилишнинг энг муҳим
даврга қадам қўйди. Прези-
дентимиз 2017 йил 7 февралда
таъкидлаган 2017–2021 йил-
ларда Ўзбекистон Республика-
сини ривожлантиришнинг беш-
та устувор йўналиши бўйича
Ҳаракатлар стратегияси инсон
ҳуқуқлари, эркинликлар ва
қонуний манфаатларини таъ-
минлаш тизимини янада тако-
миллаштиришнинг янги босқи-
чини бошлаб берди.

Ҳаракатлар стратегияси БМТ
Барқарор ривожланиш максад-
ларини бажариш бўйича Ўзбе-
кистоннинг **“йўл харитаси”**
бўлди ва у беш босқичда амал-
га оширилмоқда. Ўзбекистонни
ривожлантириш стратегияси-
нинг қабул қилиниши билан
инсон ҳуқуқларини рағбатланти-
риш, уларга амал қилиш ва
уларни ҳимоя қилиш масала-
лари давлат сиёсатининг ва хал-
қаро шериклар билан ўзаро
ҳамкорлиқнинг устувор йўнали-
шларидан бирига айланди.

2017 йилда мамлакатимизга
БМТ Бош котиби Антониу Гут-
тереш, БМТ Инсон ҳуқуқлари
бўйича Олий комиссари Зайд
Раад ал-Хусайн, БМТнинг Дин
ёки эътиқод эркинлиги бўйича
махсус маърузачиси Ахмад Ша-
хид ташрифи билан келди.

Ўзбекистон парламенти Зайд
Раад ал-Хусайн ташрифи яку-
ни бўйича БМТ Инсон ҳуқуқлари
бўйича Олий комиссари Зайд
Раад ал-Хусайн билан ҳам-
корликни янада ривожланти-
ришга қаратилган ҳаракатлар
режасини қабул қилди. Ҳара-
катлар режасида инсон ҳуқуқ-
лари ва эркинликлар соҳаси-
да саксонга аниқ таъбир кўзда
тутилган бўлиб, айни пайтда
уни амалга оширишда қирққа
яқин давлат органлари ва но-
давлат ташкилотлар иштирок
этмоқда.

Кейинги йилларда юртимиз-
да давлат органлари ва мансаб-
дор шахслар томонидан жис-
моний ва юридик шахслар му-
рожаатларининг чуқур ўргани-
лиши, ўз вақтида қўриб чиқи-
лиши ҳамда самарадор ҳал
қилиниши тамойилига асослан-
ган тубдан янги ва аниқ тизим
жорий этилмоқда. Инсон
ҳуқуқлари, эркинликлар ва
қонуний манфаатларини ҳимоя
қилишнинг бу самарали ме-
ханизми тўғрисидаги қўриб чи-
қилган мулоқотга таянади.

Давлатимиз раҳбарининг 2017
йил 19 майда қабул қилинган
«Миллатлараро муносабатлар
ва хорижий мамлакатлар билан
дўстлик алоқаларини янада та-
комиллаштириш чора-тадбирла-
ри тўғрисида»ги фармони жа-
миятимизда барқарорлик, тинч-
лик ва тотувликни таъминлаш,
фуқаролар онгида катта, қўп
миллатли ягона оилага мансуб-
лик тўғрисидаги муштамаллар,
миллий маданий марказлар ва
дўстлик жамиятлари фаолияти-
ни ҳар томонлама қўллаб-қув-
ватлаш ва янада ривожланти-
риш, хорижий мамлакатлар бил-
лан маданий-маърифий алоқа-
ларини кенгайтиришга қаратил-
ган таъсирчан чора-тадбирлар-
ни ўзидан камраган.

Ташқи ишлар вазирлиги ва
дипломатик ваколатхоналар
фаолияти тубдан ислоҳ қили-
наётган. Хорижда фуқаролар-
нинг ҳуқуқ ва манфаатларини
ҳимоя қилиш тизимининг самар-
дорлигини ошириш бўйича
комплекс чора-тадбирлар амал-
га оширилмоқда. Шунингдек,
ўзаро манфаатли тапшиқ сиёсат
давом эттирилиб, савдо-иқтисод-
ий, маданий-гуманитар алоқа-

ларни ривожлантириш доимий
эътиборда турибди.

Бугунги кунда юртимизда
**“Инсон манфаатлари ҳамма
нарсадан улуғ”** деган ғоя асо-
сида амалга оширилаётган жа-
дал ислохотлар самараси нафа-
қат кенг жамоатчилигимиз мам-
нуияти ва бахтиёрлигининг,
балки хатто халқаро миқёсда-
ги эътирофларнинг ҳам омили
бўлаётгани бежиз эмас. Ўзе-
кистоннинг инсон ҳуқуқларини
таъминлашга қаратилган ҳара-



катлари БМТ Барқарор тарақ-
қий максадларига, умуман,
мамлакатимиз қўшилган инсон
ҳуқуқларига доир барча уни-
версал шартномаларнинг ин-
сонпарвар моҳиятига тўла ҳам-
хандир.

Юртимизда 2008 йили Инсон
ҳуқуқлари умумжаҳон декларация-
сининг 60 йиллиги нишон-
ланган эди. Мазкур Декларация-
нинг 70 йиллигига бағиш-
ланган Дастур, ўз навбатида,
Ҳаракатлар стратегиясида бел-
гиланган устувор вазифаларни
амалга ошириш доирасида Ўзе-
кистоннинг халқаро муносабат-
ларининг тўла ҳуқуқли субъекти
сифатидаги ўрни ва ролини
янада муштамаллашга қара-
тилган.

Ўзбекистон ўтган даврда ин-
сон ҳуқуқлари бўйича етмиш-
дан ортиқ асосий халқаро ҳуж-
жатларга қўшилди ва БМТ то-
монидан ушбу соҳада қабул
қилинган 10 асосий халқаро
шартнома иштирокчисига ай-
ланди. Дастурда бу борадаги
ишларни изчил давом эттириш
кўзда тутилмоқда. Жумладан,
БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқ-
лари тўғрисидаги конвенция-
сини ратификация қилишга
тайёрлаш бўйича амалий чора-
тадбирлар белгиланган.

Шу билан бирга, БМТнинг
Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги
конвенциясининг маълум
қилиш тартибига тааллуқли
Факультатив протокоliga,
Қийноқ ҳамда муомала ва жа-
золашнинг шафқатсиз, ғайри-
инсоний ёки қадр-қимматни
камситувчи турларига қарши
конвенциянинг Факультатив
протокоliga ҳамда Балоғатга
етмаган болалар ўртасида жи-
ноятчиликнинг олдини олишга
қаратилган дастурамал прин-
ципларига Ўзбекистон Респу-
бликаси қўшилши истикболла-
ри таҳлил қилиниб, бу борада
амалий тақдирлар тайёрлана-
ди.

Маълумки, 1993 йили
БМТнинг Инсон ҳуқуқлари
бўйича иккинчи умумжаҳон
конференциясида қабул қилин-
ган Вена декларацияси ва Ҳара-
кат дастури қондалари мамла-
катимизда ҳам амал қилмоқда.
Ўзбекистонда суд, прокуратура
ва адвокатура тизимларида ан-
глиявий ҳуқуқ-тартибдор тизими
билан бир қаторда, инсон
ҳуқуқлари ва эркинликларини
ҳимоя қилиш бўйича миллий
институтлар тизими яратилган.

Олий Мажлисининг Инсон
ҳуқуқлари бўйича вакили
(Омбудсман), Ўзбекистон Рес-
публикаси Президенти ҳузури-
даги Таъбиркорлик субъектла-
рининг ҳуқуқлари ва қонуний
манфаатларини ҳимоя қилиш
бўйича вакил (Бизнес-омбудс-
ман) ҳамда Инсон ҳуқуқлари
бўйича Ўзбекистон Республика-
си Миллий маркази ушбу тизим-
нинг негизини ташкил эта-
ди. Яқинда бу тизим Ўзбеки-
стон Республикаси Президентини
ҳузуридаги Фуқаролик жамия-
тини ривожлантириш бўйича
маслаҳат кенгаши ҳисобига яна-

да кенгайди.

Дастурда мазкур тизимни та-
комиллаштириш ҳамда инсон
ҳуқуқлари ва эркинликларини
масалалари бўйича миллий ин-
ститутлар фаолияти самарадор-
лигини оширишга доир бир
қатор тадбирлар назарда тутил-
моқда. Ҳусусан, Болалар ва
ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш бўйича Омбудсман ин-
ститутини ташкил этиш масала-
си кун тартибига қўйилмоқда.

Шунингдек, Олий Мажлис-

ларни қўллаб-қувватлаш йили”
деб номланди. Шу асосда қабул
қилинган Давлат дастурида дав-
лат ва нодавлат нотижорат таш-
килотларининг инсон ҳуқуқла-
ри ва эркинликларини таъмин-
лаш соҳасидаги савий-ҳаракат-
ларини бирлаштиришга йўнали-
тирилган аниқ максадли чора-
лар кўзда тутилган. Айни пайт-
да Давлат дастури ва Декларация-
нинг 70 йиллиги бўйича Дас-
тур ўзаро уйғунликда ижро эти-
ляпти.

Мамлакатимизда инсон
ҳуқуқлари ва эркинликларини
соҳасида кенг ахборот-
маърифий фаолият амалга
оширилмоқда. Ўтган даврда
инсон ҳуқуқлари бўйича 120
дан зиёд асосий халқаро-
ҳуқуқий ҳужжат ўзбек
тилига таржима қилинди ва
катта адабларда нашр этил-
ди. Инсон ҳуқуқлари ва
эркинликларини мавзусини
ёритиш билан 30 га яқин
ҳуқуқий газета ва журналлар
беvosита шуғулланмоқда.

Юртимиз оммавий ахборот
воситаларида Декларациянинг
70 йиллигига бағишланган
мақола ва шарҳлар, кўрсатув
ва эшитиришлар, интервью
ва фоторепортажлар кенг
ёритилди. Шу мавзуда
туркум китоб ва рисоалар,
тўплам ва альбомлар нашрдан
чиқди.

“Олтин қалам” миллий
танлов доирасида инсон
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
бўйича энг яхши таҳлилий
тадқиқот материаллари учун
муқофот жорий этилди.
Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари
умумжаҳон декларацияси
қабул қилинганнинг 70
йиллигига бағишланган давлат
грантига танлов эълон
қилинди.

Жорий йил давомида инсон
ҳуқуқлари ва эркинликларига
доир бир қатор янги қонун ва
қарорлар қабул қилинади.
Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон
декларациясининг 70 йиллиги
муносабати билан миллий ва
халқаро даражадаги турли
йирик анжуманлар ташкил
этилади. Бу борадаги нуфуз-
ли халқаро тадбирларда
Ўзбекистон вакиллари фаол
қатнашади.

Ана шундай амалий тадбир-
ларнинг якуни сифатида шу
йил ноябрь ойида Самарқанд
шаҳрида Инсон ҳуқуқлари
бўйича Осиё халқаро анжумани
ўтказиш кўзда тутилмоқда.
Айни шундай тадбирни таш-
кил этиш ҳақида давлатимиз
раҳбари ўтган йили Конститу-
ция кунини муносабати билан
сузлаган нутқда тўхталган.
Натижада Самарқандда ўтажак
Осиё форуми тадбирлар да-
стуридан қатъий жой олди.

Мамлакатимизда “Инсон
ҳуқуқлари умумжаҳон декларация-
сини қабул қилинганнинг 70
йиллигига бағишланган тадбир-
лар дастури”да белгиланган
кент қамровли ва улкан қўла-
ми чора-тадбирларнинг амалга
оширилиши, шубҳасиз, давла-
тимиз, жамиятимиз ва фуқаро-
ларимизнинг мазкур Декларация
тамомиллари ҳамда қадри-
ятларига эътибору эътиромини
янада оширади.


Бу борадаги эзгу ишлар, шу-
нингдек, инсон ҳуқуқлари ва
эркинликларини ишончли
ҳимоя қилишнинг ҳар томонлама
таъминлашга қаратилган фаоли-
ятимизни тубдан такомиллашти-
ришда, миллий қонунчиликка
ва давлат органларининг амалий
фаолиятига инсон ҳуқуқла-
ри ва эркинликларини соҳасида-
ги халқаро андозаларни импле-
ментация қилиш механизмлари
ва тартиб самарадорлигини
давр талаблари асосида қучай-
тиришда жуда муҳим ўрин ту-
тади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу Дастурни қабул
қилишдан кўзланган асосий масад – инсон
ҳуқуқларига оид биринчи универсал халқаро ҳуж-
жат бўлган мазкур Декларациянинг мазмун-моҳия-
тини атрофлича тарғиб этишдан иборатдир. Зеро,
Президентимиз таъкидлаганидек, **«Биз жаҳон
ҳамжамияти билан яқин ҳамкорликни изчил давом
эйтиришни ўз олдимизга қўйган улуг максадларга
этишнинг энг муҳим омили, деб биламиз».**

Акмак САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
академиги, юридик фанлар доктори

БУ ТУРФА ОЛАМ

КИМЁВИЙ ЮВИШ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЯНА БИР ХАВФИ



Идиш ювиш, ванна
тозалаш, пол артиш
воситалари кириб
бормаган хона-
дон йўқ. Ёғли
идишларни топ-
тоза, сарғайган
ваннамизни
садафдек оппоқ
қилиб беришга
қодир мазкур восита-


ларнинг соғлиқ учун зарарли яна бир хавфи
аниқланди.

“Сегодня” напирининг ёзишча, европалик олимлар-
нинг 20 йиллик тадқиқоти давомида маншій кимё
буғларидан (сунтий тозалаш воситалари солинган иссиқ сув
буғи) нафас олган аёлларнинг ўпкаси худди кашанданинг
ўпкасига ўхшаб қолиши исботланди. Мазкур кимёвий
воситалардан фойдаланган уй бекалари уйдан ташқарида
ишловчи аёлларга нисбатан 55 фоиз кўпроқ саратон ка-
саллигига чалинган. Бирок идиш ювишга мўлжалланган
кимёвий сувоқликлар ўрнига ош содаси ёки хантал куку-
нидан фойдаланган уй бекалари саломатлигида салбий
ўзгаришлар кутилмаган.

Мутахассислар фикрича, чойнакларни тозалашда ли-
мон кислотаси, полни ювишда тоза сувнинг ўзи қифоя.
Шифокорлар уй тозалаш ишларида иложи борида қўлоп-
лар ва махсус химояловчи кремлардан фойдаланишни
тавсия этишган. Хоналарни шамоллатишни ҳам эсдан чи-
кармаслик лозим.

ЎҚУВЧИЛАР ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРИ НАЗОРАТДА

“Telegraph” нашри-
нинг хабар беришча,
Хитойнинг Ханчжоу
шаҳридаги ўрта
мактабларнинг
бирида ўқувчилар-
нинг дарслардаги
диққат-эътиборини
кузатувчи ва назорат
қилувчи тизим ўрнатил-
ди.



Тизим ҳозирча фақат битта синфга ўрнатилган, бироқ
ёздан бошлаб барча синфхоналарга ўрнатилиши режа-
лаштирилмоқда. Учта камера ва монитор доскадан иборат
тизим ўқувчиларнинг юз ифодасидан кайфиятини
аниқлашга қодир. Мабодо бирор ўқувчи дарсдан чал-
ғийдиган бўлса, тизим орқали ўқитувчига дарҳол хабар
келади ва синфда кимдир уни эшитмаётгани маълум бўла-
ди.

Ўқувчилардан бири илгарилари ўзига ёқмайдиган дарс-
ларда ухлаб қолишни, энди бунинг имкони йўқлигини
айтган.

Мактаб раҳбариятининг фикрича, бундай тизим ўқув-
чиларнинг шахсий ҳаётига даҳл қилмайди.

ЖИГАРНИ ҚУРИТАДИ



Таркибида кофеин
миқдори кўп бўлган
энергетик ичим-
ликлар инсон
саломатлиги
учун энг хавфли
хисобланади.
Бу ичимликларга
оид рекламалар-
да, одатда, улар
иш фаолиятини яхши-
ловчи, қувватни оширувчи
маҳсулот сифатида
намойиш қилинади.

Бирок олимларнинг фикрига қўра, бундай ичимликлар
асаб тизими фаоллигини ошириб, аъзолар ва тўқима ҳужай-
раларида бор қувват заҳираларини сарф этишга мажбур
қилади, яъни организмдан қувватни сикиб чиқаради. На-
тижада қувватни ошишини истаган кишилар нафақат жи-
гар, балки опқозон, юрак ва рухият билан боғлиқ жид-
дий муаммоларга дуч келади.

Тадқиқотчиларнинг айтишича, таркибида алкоголь кам
ичимликларни жигарга зарар қилмайди, деб ўйлаш мут-
лақо нотўғри. Чунки улар инсон танасига салбий таъсир
қўрсатишга қодир.

Кучсиз алкогольли ичимликлар таркибида кўп миқдорда
шаклар, ароматизаторлар, синтетик бўёқлар, лаззат берув-
чи стабилизатор ва алкоголь суррогатлари мавжуд бўла-
ди. Бу кимёвий моддалар секин-аста жигарни захарлайди.
Яхшиси, бундай ичимликлардан йироқ юрган маъқул.

КИСЛОРОДЛИ ЭНГ ОЛИС ГАЛАКТИКА

Астрономлар коинот-
да Катта портлашдан
250 миллион йил
ўтиб вуқудга
келган галактика –
MACS1149-JD1
юлдузлар жамлан-
масини аниқлади.



Мазкур юлдузлар
жамланмаси Кўёш тизимидан
13,28 миллиард ёруғлик йили масофада жойлашган. Бу
ҳозиргача ўрганилган космик жисмлар ичида Кўёш ти-
зимидан энг узокда жойлашган галактика хисобланади.
Астрономик кузатишлар иштирокчиларидан бири, Лон-
дондаги университет коллежи ходими Николас Лапорт-
нинг айтишича, галактика кислород топилган энг олис
космик объектдир.

Галактикани кузатиш ишлари 2012 йили бошланган.
Ҳозирда «Хаббл» ва «Спитцер» орбитал телескоплари
орқали олинган маълумотларни ўрганиб чиқиб, астроном-
лар галактикагача бўлган масофани янада аниқроқ ўлча-
шга муваффақ бўлди. «Бу вақт ва замон бўйлаб ўзига хос
саҳна, Катта портлашга қайтишдай гап», – дейди ас-
троном.

Олимларнинг максоди галактикани ўрганиш орқали бор-
лиқ қандай вуқудга келгани, дастлабки юлдуз ва галак-
тикалар қандай пайдо бўлгани ҳақидаги саволларга тўла
жавоб олишдир.

Интернет манбалари асосида
Г.МАЛИКОВА тайёрлади.

» ҲАМГАРИШ

Самарқандга борганим, тоқчада турган қоғозга кўзим тушди. Унда тўй ва азаларни ихчамлаштириш бўйича, аҳолига маслаҳатлар берилган. Қоғозни "маҳалла"дан тарқатилганлигини билганимдан кейин ўша томонга йўл олдим.

Бугунги кунда тўй-ку тўй, азамаросимларида ҳам нечоғлик исрофгарчиликка йўл қўйилаётгани бор гап. Аслида, бу каби муаммолар ҳақида кўп ва ҳў гапирилган. Лекин турмушимиз фаровонлашган сари, маъракаларимизда харажатлар ҳам ортиб бормокда. Бу урф-одатларимизни ихчам қилиб ўтказиш ўрнига кераксиз тadbирларни ўйлаб топиб, дабдабозлик қилиб, ҳаддан зиёд исрофгарчиликка йўл қўймоқдамиз. Охириги пайтлар, маросимларда дастурхонга тортилган ноз-неъматларни кўриб "бу тўйи ёки аза" деб ўйлаб қоласан киши.

"Илмисизлигимиз сабабли турли маросим ва одатлар юки остида эзилиб, мунинг учун ахлоқий ва молий жиҳатдан ғоят кўп зарарлар кўрмакда бўлган бир миллатмиз. Бизнинг халқ "мол ва жон кетса кетсун, обрўи кетмасун", деб хатна ёки никоҳ ва азамаросимини ўрунға кетурмак учун қўлларинда бор нарсаларини 1-2 кунда барбод этадилар, қарздор бўларлар" деб ёзган экан маърифатпарвар бобомиз Ҳожи Муин 1919 йилда чоп этилган "Тўй ва азамаросими ҳақида" мақоласида.

Шариатимиз таълимоти вафот этган киши дафн қилинган кундан бошлаб узори билан уч кунга қадар аза (мотам) тутишга руҳсат беради. Шу кунлари жанога келолмаганлар мусибат етган хонага ёки таъзия хонага келиб таъзия билдиришлари мумкин. "Ал-фатво ал-Оламғирия" китобида шундай дейилган: "Шу уч кун ичида майит чиққан хонадонда овқат қилинмайди. Таъзия билдиришга келган одамларга дастурхон

ёзилмайди, зиёфат берилмайди. Мусибат етган хонадон аҳли қайғули бир ҳолатда турганда меҳмонларга қараш, уларга ош-нон тортиш мусибат устига мусибатдир".

Йўл-йўлакай шуларни ўйлаб манзилга етиб келдим. Ёшлигимда кўримсизгина бўлган маҳалламиз биноси хозир обод бўлган. Ҳовлидаги гуллар кўнглингизни кўтаради. Мени Самарқанд шаҳар ўрта Хўжасоат маҳалласининг масъул котиби Амина опа Мусаева кўтиб олди.

— Президентимиз тўй ва азамаросимларини ихчам ва ортиқча сарф-харажатларсиз ўтказиш ҳақида алоҳида таъкидламоқда, — дейди Амина опа. — Шунинг учун маҳаллошларимизга маросимларни ихчам ва дабдабозликсиз ўтказишни тушунтириб келамиз. Бу ишга маҳалламиз нурунийлари ва фаоллари ҳам бош қўшишган. Шу боис, бу тўғрида катта йиғилиш ҳам ўтказдик. Маросимларимиздаги ортиқча, воз кечишимиз керак бўлган ишларда бир тўхтамга келдик. Бу ҳақда ҳар бир хонадонга тушунтириш хатларини тарқатдик. Маҳаллошларга ўрнатилган мақсадиди, кераксиз урф-одатларни, аввало, ўз хонадонимиздан бошладик. Қувонарлиси, бу ўзгаришлар аҳолимиз кўнглидаги гап бўлди.

Шу кунгача мусибатхонада бир эмас, бир неча марталаб эҳсонлар қилинар эди. Бу маросимларни ўтказиш баъзи оилалар учун иқтисодий қийинчилик туғдириши турган гап.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши қўйидаги фатвони бarchа мўмин-мусулмонларга ҳавола этиб, унга амал қилишларини сўрайди:

МОЛ ҲАМ ЁНГА ҚОЛСИН, ЖОН ҲАМ ОМОН БЎЛСИН!



"Илмисизлигимиз сабабли турли маросим ва одатлар юки остида эзилиб, мунинг учун ахлоқий ва молий жиҳатдан ғоят кўп зарарлар кўрмакда бўлган бир миллатмиз. Бизнинг халқ "мол ва жон кетса кетсун, обрўи кетмасун", деб хатна ёки никоҳ ва азамаросимини ўрунға кетурмак учун қўлларинда бор нарсаларини 1-2 кунда барбод этадилар, қарздор бўларлар" деб ёзган экан маърифатпарвар Ҳожи Муин 1919 йилда чоп этилган "Тўй ва азамаросими ҳақида" мақоласида.

"Мусибатхоналарда пайшанбалик ва якшанбалик номи билан қилинаётган эҳсон маросимлари ҳеч бир диний китобларда ёзилмаган ва айтилмаган.

Мусибат етган хонадонда муайян кунга боғламасдан бақадри ҳол оила иқтисодига зарар етказилмайдиган ҳолатда бирор марта эҳсон қилиб ўтказилса кифоя.

Барча диний ва миллий маросимлар тежамкорлик билан, исрофгарчиликсиз ўтказилсин. Зеро, Аллоҳ таоло Қуръони каримда "Исрофгарлар шайтоннинг биродарларидир", деб огоҳлантирган.

— Бир кунни маҳаллошларимиздан бири келиб бизга раҳмат айтиб кетди, деб сўзини давом эттирди Амина опа. — Авваллари пул кетса кетсин, обрў кетмасин деб, қарз олиб бўлса-да, маросимларни ўтказардик. Энди маҳалла таъкидлаган деб ихчам ўтказганини айтди. Шундай пайтларда қилаётган ишларимиз самара бераётганидан, халқимизни кўнглини топиб, уларга тўғри йўл кўрсата олаётганимиздан хурсанд бўламиз.

Халқимиз орасида "Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла" ибораси бежизга айтилмаган. Бу каби муаммолар ечимини топишда маҳалланинг ўрни катта. Маҳаллаларимизда бошланган бундай хайрли ишга барча биргаликда ёндашса, аҳолимизнинг турмуш тарзи янада яхшиланади.

Наргиза БОБОМУРОДОВА,
"Hurriyat" муҳбири

» ТАҲРИРИЯТГА ХАТ КЕЛДИ



КАЧБНИНГ ЭГАСИ БОРМИ?

Қашқадарё вилояти Қарши тумани «Хилол» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Хилол» қишлоғида 1992 йилда қурилган қишлоқ клуб биноси мавжуд. 2003 йилда жамоа ва давлат хўжаликлари фермер хўжаликларига айлантирилиши муносабати билан мазкур иншоот фуқаролар йиғини балансига ўтказилган.

Туман ҳокимлигининг 2005 йил 7 январдаги Х-11/1 сонли қарори билан клуб ичидаги мавжуд жиҳозлари билан «Чемпион спорт клуби» балансиға ўтказилган. Бинони болалар спортини ривожлантириш мақсадида олган «Чемпион спорт клуби» бор-йўғи бир йил фаолият

кўрсатган. Шундан буён у эгасиз. Буёғини суриштирсак, аслида «Чемпион спорт клуби» спорт билан шуғулланувчи ташкилот сифатида бирор жойда рўйхатдан ҳам ўтмаган экан. Шундай қилиб, қишлоқ аҳли, «Хилол» ансамбли клубда концертлар қўйиш,

байрам тadbирлари ўтказиш имкониятидан маҳрум бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июнда «2013—2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли ҳаёт олиш марказларини ташкил этиш чора-tadbирлари тўғрисида»ги қарори чиққанида бу муаммо ҳал бўлар экан, деб аҳоли қувонган эди. Афсуски, натижа бўлмади. Қарши тумани ҳокимлигига ёзилган аризалар, оғзаки мурожаатлар, мажлислардаги талаблар эътиборсиз қолмоқда. Чораси борми?

Назар ҚОДИРОВ

» БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

Фарзандим 5 ёшга тўлди. Эътиборсизлигимиз сабабли туғилиш ФХД бўлимида қайд этилмаган. Бугунги кунда туғилишни қайд этиш мумкинми, агар мумкин бўлса, қандай ҳужжатлар керак бўлади? Янгийўл туманидан Д.Мирзаева.

— Ўн олати ёшгача бўлган боланинг туғилиш қайд этиш учун ФХД органига мурожаат қилиш лозим.

Ушбу ҳолатда туғилишни қайд этиш муддатини ўтказиб юборганлик сабаблари кўрсатил-

ган ариза ва боланинг туғилганлиги ҳақида тиббий маълумотнома ёки боланинг туғруқхонадан ташқари жойларда ва тиббий ёрдамсиз туғилганлигини тасдиқловчи далолатнома, боланинг соғлиги тўғрисида маълумотнома, боланинг таълим олаётганлиги тўғрисида маълумотнома, тегишли ФХД архивидан ушбу болага нисбатан туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилмаганлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этилиши лозим.

Саволга Адлия вазирлиги мутасаддилари жавоб берди

» МУЛОҲАЗА

Ойлик маошимнинг муайян қисми пластик картага тушади. Нақд пулга эҳтиёж туғайли ундаги маблағнинг бир қисмини «ечиш» зарурати пайдо бўлди.

«Олой» деҳқон бозори ҳудудидаги банкوماتга йўл олдим. Гавжум жойга ўрнатилган махсус қурилма орқали аҳоли картасидаги пулни нақдлаштириб олишмоқда.

Бундан қарангки, навбат менга келганида банкوماتда пул тугади. Начора, ҳамма нарсаси бўлиши мумкин. Шу жойда савдо қилувчилардан бири йигирма дақиқаларда банк ходими келиб, аппаратга пул жойлашини айтди. Ўйлаб қолдим, кетай десам, пул керак, қутай десам, банкнинг келишига ишонқирамайман.

Хуллас, қутиниға аҳд қилдим. Шу орада мендек зарурат билан бу ерга келганларнинг аксарияти тарқалди. Сафимизга 4-5 нафар янги кишилар қўшилди. Буларнинг йигирма дақиқаси икки соатга қўзилди мумкин, — дед тўғрилиди, чамаси, йигирма ёшлардаги йигит. Бесабрлиги юзидан кўриниб турган бу ўғлон билиб-билмай бошқаларга ҳам ўз кайфиятини юктирди десам хато бўлмайдими.

Кўнгулни ёнг қилинг!



Навбатдагилардан бири — ўттиз ёшлардаги аёл унинг гапини маъқуллади:

— Ишни яхши йўлга қўйишмаган-да. Банкومات орқали пулимизни нақд қилиб берганига фойзини олади-ку, қарамайдими, — деди у ҳам норози оҳангда. Келганига кўни билан 5-10 дақиқа бўлган бу ёшларнинг сабрсизлиги, заҳарханда гап-сўзлари одамни хайрон қолдирди. Айтмоқчиманки, жамоат жойидаги бу хатти-ҳаракат ҳеч қандай мезонга, ўзини тутиш маданиятига тўғри келмасди. Бунини ўқиб ёки ишга бошқаларга ҳам изохлаб бўлмасди.

Мавзудан четлашмайлик, банк пулни ечгани учун атиги 1 фойз, бошқача айтганда, юз мингдан бир

минг сўм ушлаб қолади. Йиғилдиган пуллар — банкда айланади, талабалар стипендиясига, пенсияларга, юртимиз тараққиётига сарфланади. Энг муҳими, қўча-қўйда баланд фойза иш қилаётган «уддабурон»ларнинг қўнғиға қатмайди.

Қисқаси, йигирма дақиқа ўтар-ўтмас, тушлик вақти бўлишига қарамай, банк ходими келди. Ишим битди. Қайфиятим кўтарилди.

Эҳтимол, бу ҳолат одамлар эътиборини қаратишга, ёнишга арзimas. Аммо, бир мулоҳаза туғайли шуларни ёнишга тўғри келди. Бир пайтлар картадаги маблағни нақдлаштириш учун 10-15, ҳатто 20 фойзгача ушлаб қолинишига рози бўлганим, лекин шунинг ҳам чорасини тополмаганим

ёдимда. У даврларда банкوماتнинг ўзи йўқ эди. Шукрки, хозир жойларда шундай қурилмалар сони кўпайиб бораёттир. Картагизда пул бўлса бас — нақд муаммо эмас.

Техника, инновация ривожланиб бораётган бугунги кунда қўл телефони орқали бир зумда картадан картага пул ўтказиш ва бошқа бир қанча операцияларни амалга ошириш мумкин. Дарвоқе, бу имкониятлар маблағини нақдлаштириш истагидаги фуқаролар сони камайишига сабаб бўлаётгани ҳам бор гап. Зеро, «Электрон ҳамён»даги пулни олиб юриш, ишлатиш ҳар жиҳатдан қулай.

...Пулни олдинма-кейин нақдлаштирган ҳалиги юртдошларимга бир неча йил аввал пластик картадаги маблағни нақдлаштириш қандай муаммо бўлганини эслатдим, айни кунда мазкур масала тўла ўз ечимини топаётгани, бу борада яратилаётган қулайлиги маблағлар ҳақида гапиргим келди. Ҳатто, уларга қаноат, сабр қилган одам яхшиликларга рўпара келиши ҳусусида сўз айтишга чоғландим. Аммо, вазият бунга имкон бермади.

Мурод ХЎЖАЕВ,
мулоҳазаси

«FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиали иккинчи боғлама-сига қарашли «Ниссан пикап» (NAVARA) русумли, 1998 йилда и/ч, д/р: 40 026 МАА, техник носоз бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 45 395 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йилнинг 25 июнь кунини соат 14:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига талабгорлардан талабнома-лар хабарнома чиққан кундан бошлаб иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишнинг охириги муддати: 2018 йил 22 июнь соат 16:00.

Талабгорлар диққатиға! Юқоридаги автотранспорт воситаси 2018 йилнинг 25 июнь кунини савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари

2018 йилнинг 12 ва 27 июль кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдога аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 (ўн) иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фойзидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖнинг ХАТБ «Трастбанк» Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:

Х/Р: 2260 4000 6003 9634 2001.

МФО: 01123. СТИР: 303 054 753.

Мурожаат учун манзил:

Фарғона шаҳар, С.Темур кўчаси, 45-уй.

Тел: +99895-402-54-75. Гувоҳнома № 1894.

кетганда

Фаолияти тугатилган нашриёт ва сохта босмахона хусусида

Зонинг

ҚУДРАТИ



Корея, Греция, Чехословакия каби қатор давлатларда бўлиб дугор сеҳрини оламга танитди. "Халқ таълими аълочиси" унвони билан тақдирланган. Бугун ҳам кўплаб йигит-қизларга сабоқ бермоқда. Тўрт фарзанди ҳаётда ўз йўлини топган. Улардан бири Шохиста эса ота йўли-

ни танлаган — муסיқашунос. Консерваторияда гармония ва солфеджиодан дарс беради. Илём ака эса невараяу эваралар билан умргузaronлик қилмоқда.

**Муқаддас
АБДУСАМАТОВА,
Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
маданият ходими**

Шолазиз ШОХИДОВ (ФОТО)

ЧИПТА ЭСДАЛИК БЎЛА ОЛАДИМИ?

(Иккинчи мақола)

Қайсидир шаҳарга борган сайёҳ шу жой рамзини англатувчи бирор буюм кўзига яхши кўринса, албатта, сотиб олади. Негаки, ўша буюм сайёҳдан эсдалик бўлади. Шу боис, ҳар бир туристик объектида мўъжаз, бежирим сувенирлар савдосига катта эътибор берилди. Бу сувенирлар ўша объект ва шаҳар брендини омалаштиришга хизмат қилади.

Аммо айрим туристлар ҳам бундай сувенирларни харид қилишни истамайди. Туристтик объектни омалаштириш, танитиш учун эса мутасаддилар бундан бошқа самарали усулдан фойдаланишади. Яъни, объектига кириш чипталари худди сувенирлар каби бежирим қилиб ишланади ва у бир умрга эсдалик бўлиб қолади.

Бундан 25 йил олдин Германияда бўлганим, — дейди самарқандлик Ойбек Бўриев. — 1994 йилнинг май ойида Берлин шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қилдик ва «Бранденбург дарвозаси» олдида суратга тушиб, шу ерда бир йил аввал ташкил этилган «Raum der stile» («Сукунат хонаси»)ни кўздан кечирдик. Бутун «Бранденбург дарвозаси» ҳақидаги таассуротлар эсдан чиққан. Аммо ўшанда сотиб олинган кириш чиптаси ҳали ҳам турибди. Ўта сифатли ва бежирим бу чиптани фарзандларим кўриб сўраб қолган, уларга ҳам ўша жойлар ҳақида айтиб бераман.

Яна бир мисол, Франциядаги Лувр музейига борганларнинг аксарияти кириш чиптасини сақлаб қўйarkan. Сабаби, чипта жуда чиройли қилиб ишланган. Ундаги суратнинг ўзиёқ одамда Луврга бориш иштиёқини уйғотади.

Ўш, Самарқанддаги тарихий обида ёки музей чиптаси ҳам бизда ана шундай иштиёқ уйғотади. Афсуски, ҳали бизда бежирим чипта ташкил этилган эмас. Амир Темури макбараси, Имом ал-

Бухорий мажмуасида бўлганимизда зиёратчиларга оддий фискал ускуна чеки берилаётганига гувоҳ бўлдик. Шохи Зинда ёдгорлигида эса А-4 форматдаги сарғиш, сифатсиз қоғозда босилган назорат чипталари қирқиб тарқатилмоқда.

Регистон мажмуасида махсус буюртма билан давлат стандартлари асосида чиптала чиқариб келинганини эшитиб хурсанд бўлгандик. Таассуфки, зиёратга борганимизда яна ўша касса чекини қўлимизга тутқазилди. Мажмуа маъмурияти Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекциясига янги чипталарни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш бўйича шу йил 13 апрелда хат юборган экан. Бу яқин ўртада Регистонга ташриф буюрувчилар ўзига хос билетга эга бўлишларини англатади. Дарвоқе, Шохи Зинда мажмуасида ҳам фақат хорижликлар учун нисбаан сифатлироқ ишланган чипта бор. Аммо уни ҳам, Регистон мажмуасидан ҳам ҳозирча эстетик жиҳатдан ўта юқори савияда деб бўлмайди.

Вилоятдаги музей, тарихий объектларга кириш деярли бир хил, касса чеки асосида, — дейди вилоят музей-қўриқхонаси директори ўринбосари Илхом Хакимов. — Бутун дунёда кириш чипталари эсдалик ўрнида ҳам сақланиши бор гап. Ҳар бир туристик объект чиптаси шу объект рамзи сифатида кадрли бўлиши лозим, албатта. Хозирда шу масалада ноширлик корхоналари билан иш олиб боришмоқда. Тез орада дизайнлар шаклланиб, аниқ таклиф билан чиқамиз. Тўғри, замонавий, сифатли ва юқори эстетик савиядаги билетларни мажмуаларнинг ўзи ҳам хусусий бос-

Самарқанддаги тарихий обида ва музейларга хорижий сайёҳлар асосан маълум бир туристик фирма орқали гуруҳ бўлиб келишади. Бундай ҳолатда эса ўша ўртамеъна дизайндаги чипта ҳам берилмайди. Чунки сайёҳлик фирмаси ва туристик объектлар ўртасида шартнома тузилиб, маблағ ўтказилгач, хорижликларни олиб кириш учун махсус ваучер тақдим этилади. Ўшбу ваучер гуруҳда нечта сайёҳ бўлишидан қатъий назар бир донга берилади ва у гид-таржимонда туради. Натижада, дунёнинг турли мамлакатларидан келган сайёҳлар қадимий обидаларимиздан эсдаликсиз кетишмоқда.

маҳоналар орқали чиқариши мумкин. Бироқ бунинг учун ҳужукий асос яратилиши керак. Чунки чипталар, тегишли давлат стандарти асосида чиқарилиши ва солиқ инспекциялари рўйхатидан ўтказилган, фойдаланилади. Аммо биз туристик объектни чиндан ҳам омалаштирмоқчи бўлсак, ўша стандарт чипталар ёнига хорижликлар учун алоҳида бежирим рамзий чипталарни ҳам қўшиб беришимиз мумкин. Лекин бу борада ҳали бирор объектда ташаббус илгари сурилгани йўқ.

Масаланинг яна бир томони бор. Одатда, Самарқанддаги тарихий обида ва музейларга хорижий сайёҳлар асосан маълум бир туристик фирма орқали гуруҳ бўлиб келишади. Бундай ҳолатда эса ўша ўртамеъна дизайндаги чипта ҳам берилмайди. Чунки сайёҳлик фирмаси ва туристик объектлар ўртасида шартнома тузилиб, маблағ ўтказилгач, хорижлик-

ларни олиб кириш учун махсус ваучер тақдим этилади. Ўшбу ваучер гуруҳда нечта сайёҳ бўлишидан қатъий назар бир донга берилади ва у гид-таржимонда туради. Натижада, дунёнинг турли мамлакатларидан келган сайёҳлар қадимий обидаларимиздан эсдаликсиз кетишмоқда. Умуман, чипта муаммоси фақат Самарқандга хос эмас. Яқинда тахририят ходимлари бир жамоа бўлиб Хоразмдаги тарихий обидалар, жумладан, Ичан қалъа ва Нуриллобой обидаларида

Айтиш керакки, чипта масаласи туристик объектиларимиздаги муаммоларнинг фақат бир қисми. Зотан, бу жойларга аллақачон замонавий турникетлар ўрнатиш вақти келган. Ҳозирги вақтда Афросиёб музейи, Регистон мажмуаси, Амир Темури ва Хўжа Дониёр макбараларида хавфсизлик детекторлари ўрнатилган. Ўшбу ускуналар орқали кириб чикувчилар сони ҳам аниқланади. Аммо махсус карталар билан ўтиш мумкин бўлган замонавий турникетлар умуман бошқа масала. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан бу борада лойиҳа тайёрланмоқда.

Анвар МУСТАФОҚУЛОВ



ЖУГРОФИЙ САЁХАТ

Шу кунларда хонадонларимизда меҳр-оқибат, поклик ойи Рамазон меҳмон бўлиб турибди. Бу муборак ойда юртимиз каби дунёнинг қатор масжидлари ҳам мусулмонлар билан гавжум бўлади. «Саждагоҳ», «сажда қилинадиган жой» маъноларини англатувчи масжид сўзи Аллоҳ тоати ва зикри билан машғул бўлинадиган маконлар бўлгани учун «Аллоҳнинг уйлари» дея васф ҳам қилинади. Дунёдаги энг машҳур масжидлар ҳақида сўз юритамиз.

Дунёдаги энг катта масжидлар

АЛ-ҲАРОМ МАСЖИДИ, Саудия Арабистони

Маккадаги ушбу масжид муқаддас Каъбада қурилган. У ислом оламидаги асосий ва бош масжид ҳисобланади. Ҳаж сафарига тўрт миллионга яқин зиёратчиларни қабул қиладиган ушбу масжид майдони жиҳатидан ҳам бошқа масжидлардан каттадир — 357 минг квадрат метр. У баландлиги 95 метрга тенг тўққизта минара билан уралган. Ал-Ҳаромга бориб, Каъбани таовф қилиб, Оллоҳга сажда қилиш ҳар бир мўмин-мусулмон учун катта оруздир.




НОСИР АЛ-МУЛК ЖОМЕ МАСЖИДИ, Эрон, Шероз



«Пушти масжид» номи билан машҳур ушбу масжид XIX асрда Хўжа Мирза Ҳасан Алхон Носир ал-Мулк томонидан қурилган. Ташқи кўриниши Эрондаги бошқа масжидларникидан фарқ қилмасда, бетакрор интерьери, рангли шина булаклари ва мозаикалар билан безатилган деворлари тубдан фарқ қилади. Масжид ичидagi гўзаллик ҳеч бир сайёҳни безътибор қолдирмайди. Витражли ойналар кўёш нурида турли рангларда жилоланиб, бетакрор кўриниш касб этади. Масжид қурилишида қўлланган барча ранглар ичиде пушти ранг ўзига хос чирой бағишлагани учун у «Пушти масжид» деб ҳам айтади.


СУЛТОН ҚОБУС МАСЖИДИ, Мускат, Омон

2001 йилда расмий очилиш маросими ўтказилган ушбу масжид худуди ҳам анчагина катта. 416 минг квадрат метр майдонда 6500 кишига мўлжалланган намозхона бўлса-да, бир вақтнинг ўзиде йигирма минг намозхона ибодат қилиш имконияти яратилган. Масжиддаги қўл шина маҳсули бўлмиш гилам ва қандил унинг кўрқига янада кўрк бағишлаган.



НИЗОМИЙ МАСЖИДИ, Йоханнесбург, ЖАР

Йоханнесбургда жойлашган мажмур масжид ҳар бири 55 метрли 4 та минарадан иборат. Масжиднинг қурилиш ишлари 2009 йилда бошланган. Усмонийлар архитектураси услубида қурилиб, ўз ичига масжид, мактаб, шифохона ва савдо марказини қамраб олган мажмуа 2012 йилда очилган.



ШАЙХ ЗАЙД МАСЖИДИ, Абу-Даби, БАА

Дунёдаги энг йirik олти масжиднинг бири Шайх Зайд масжидидир. Масжид номи БААнинг биринчи президенти Зайд ибн Султон ан-Наҳаён шайх шарафига қўйилган. Қарийб ўн йил давом этган масжид қурилиш ишлари 2007 йилда поёнига етиб, ўша йили Рамазон ойида очилган. Мажмуага бир вақтнинг ўзиде 40 минг намозхон сифади. У асосий намозхона ва иккита задал ташкил тошган. Мусулмалар ибодати учун ҳам шароит яратилган. Қурилиш жараёнида ҳар бир безак, тимсолга алоҳида ёндашилган. Масалан, масжиднинг оқ мрамардан қурилишида нисонлар қалбиде поклик ва тинчлик ҳиссини уйғотиш маънолари мужассам. Мажмур масжидга тўшалган гилам ва қандил дунё бўйича ягона саналади. Қўл меҳнати маҳсули бўлмиш гилам бир йил давомида мингта тўқувчи томонидан тўқилган.

Г.ТУРСУНПҲАТОВА тайёрлади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Уюшма аъзоси
Суюн ҚОРАЕВнинг
вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

“Hurriyat”ни ўқиган узоқни кўзлайди!

Ўқинг, баҳра олинг ва уни дўстларингизга ҳам ҳадя этинг. “Hurriyat”да чоп этилган материаллар билан www.hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишингиз мумкин.



“HURRIYAT” ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРАҲИНГИЗ БЎЛСИН!



Диққат, танлов!

«АДОЛАТ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА»

Эълон

Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд-ҳуқуқ ислохотларини, шунингдек, судлар фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритилишини янада тақомиллаштириш мақсадида «Адолат — қонун устуворлигида» танловини эълон қилади.

Танловга республика миқёсидаги газета, журналларда чоп этилган, интернетда ёритилган, телевидение ва радиода берилган судлар тизимидаги ислохотларни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилишга, аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган мақолалар, интернет материаллари, кўрсатувлар, эшиттиришлар қабул қилинади.

Мақолалар чоп этилган газета ва журналлар, интернет материаллари, кўрсатув ва эшиттиришлар ёзилган тасмалар Олий суд матбуот хизматида тахририят, телевидение, радио ходимлари ёки муаллифлар томонидан тақдим қилиниши лозим. Танловга учта ва ундан ортқ мақола, кўрсатув, эшиттириш ва интернет материаллари билан иштирок этиш мумкин.

Тақдим этилган мақола, кўрсатув, эшиттириш ва интернет материаллари муаллифининг тўлиқ исм-шарифи,

иш жойи ва лавозими, телефон рақами ҳақидаги маълумотлар ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

Танловга 2018 йил 1 январдан 15 ноябргача чоп этилган мақолалар, интернет материаллари, кўрсатув ва эшиттиришлар қабул қилинади.

Танловда қуйидаги йўналишлар бўйича ғолиблар аниқланади:

1. «Телевидение ва радио йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
2. «Босма ОАВ йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
3. «Интернет-журналистика йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
4. «Энг фаол судья ва суд ходими» (1, 2, 3-ўринлар);
5. «Энг фаол илмий ходим» (1, 2, 3-ўринлар).

Барча йўналишлар бўйича ғолиблар танлов рамзи, диплом ва қўimmatбоҳо совғалар билан тақдирланади.

Мурожаат учун манзил: 100186,

Тошкент ш., А. Қодирий кўч., 1-уй.

Телефон: 239-02-43, электрон почта - mt@sud.uz

HURRIYAT

Бош муҳаррир
Кулман ОЧИЛ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. Баҳоси келишилган нархда

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-88
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-91

Тонжиринг вақти — 20⁰⁰
Тонжиринг — 18⁰⁰



Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмаси



Ахборот ҳамкорчилиги:
Ўзбекистон
матбуот ва
ахборот агентлиги

Тахририятга келган хатлар
доимий эътиборимизда бўлиб,
улар муаллифларга қайтарилмайди.

Адади: 3455 Буюртма — V-1660

1 2 3 4 5

Индекс: якка
обуначилар ва
ташқиловлар
учун — 233

Манзил: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz; gazhurriyat@mail.ru

Газета тахририят компьютер марказида терилди
ва дизайнер Нигора Ташева томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Хуршид Марулов

“O‘zbekiston” НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.